



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 5-dekabr, chorshanba * № 49 (801) * 1996-yil dekabrдан chiqra boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Нуфузи халқаро миқёсда эътироф этилаётган, ҳали ҳеч бир мамлакат тажрибасида қўлланмаган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талаблари доирасида иқтидорли ёшларни танлаб ўқишга қабул қилишга катта эътибор қаратилмоқда.



САФАР СЕРМАЗМУН БЎЛДИ

Навоийлик қаламкашларнинг ёши ниҳоятда навоқирон экани бизни ҳайратга солди. Қайси газета тахририятига, телевидениега бормаёлик, аксарият ижодкорлар ёшлардан иборат. Фарғонада эса журналистларнинг ўртача ёши 51 ёшни ташкил этади.



АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ НАМОЙИШИ

Мазкур турнир нафақат жаҳондаги энг кучли шахматчиларнинг чиройли комбинация ва тактикаларига бой бўлди, айни пайтда, гран-при доирасида халқаро гроссмейстерларнинг ёш шахматчиларимизга берган маҳорат дарслари ҳам ғоятда мазмунли, қизиқарли кечди.



➔ 3-бет

4-бет

➔ 6-бет

Тадбир

Модернизация жараёнларида ОАВнинг масъулияти


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг сиёсий фаоллигига, ҳуқуқий маданиятининг юксалишига, юрт тақдири ҳамда келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигига боғлиқ. Бунга эришишда фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири — оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири катта. Чунки газета-журнал ёки телевидение орқали омма эътиборига ҳавола этилган ҳар бир чиқиш ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашини шакллантиришга, ислохотлардаги фаол иштирокини, воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатини билдира олишга хизмат қилади.

Шу маънода пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда давра суҳбатини ташкил этгани айни муддао бўлди. Негаки, "Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқаролик фаоллигида матбуотнинг роли ва аҳамияти" мавзуда ўтган мазкур тадбирда айтилганидек, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ва фаоллигини оширишни

талаб этмоқда. Мана шундай юксак мақсадларга эришиш учун юртимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ОАВни либераллаштириш, мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва маънавий ҳаётимиздаги ролини кучайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Натижада жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ошди, муносабатлар ранг-баранглигига эришилди. Давлат ва жамият қурилиши масалаларига ҳамда қабул қилиниши кўзда тутилган қонун лойиҳалари, ҳуқуқат қарорларига муносабат билдиришга имконият яратилди.

4 ➔

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига



устулигини тан олган ҳолда республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади деган тарихий жумлалар қайд этиб қўйилган. Бу жумлалар Ўзбекистон деб аталмиш катта оилани ташкил қиладиган халқимизнинг дилидаги, юрагининг туб-тубидаги орзулари, умидлари, мақсадларининг инъикосидир.

"Конституция" сўзи турли даврларда, ҳар хил маъноларда қўлланган бўлса-да, бугун у олий юридик кучга эга, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар пойдеворини ташкил этадиган, ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилиши қатъий назорат қилинадиган Асосий Қонунни англатади. Унда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари, тараққиётнинг бош мезонлари, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган бўлади.

Конституциянинг энг асосий функцияларидан бири давлатчилик ривожланишида ворисликни таъминлашдир.

2 ➔

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Халқимиз эзгу мақсадларининг маънавий тимсоли Конституциямиздир. Аксарият давлатлар Конституцияларида учрамайдиган, улғу мақсадлар бизнинг Бош Қомусимиз муқаддимасидаёқ ўз ифодасини топган.

Хусусан, муқаддимада: "Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқли-

гини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таяниб, демократик ижтимоий адолатга садоқатини намойён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари

Буюк ҳаёт қомуси

ҚУТЛУФ САНА ШУКУҲИ

Миллий урф-одатпаримиз, тўй ва байрамларимиз халқимизни жипслаштирадиган, уни улғу бунёдкорлик марралари сари чорлайдиган омиллардан саналади. Зотан, эзгу ният ила бошланган ҳар қандай ишнинг оқибати ҳам хайрли бўлиши керак-да. Айтиш жоизки, бағрикенглик, инсонпарварлик ва тинчликсеварлик каби умуминсоний қадриятлар азалдан қон-қонимизга сингдирилган ва бу бизнинг одатий ҳаёт тарзимизга айланган. Мамлакатимиз Асосий Қомуси — Конституциямизда миллий ўзлгимизга вобаста тарзда умуминсоний қадриятларнинг ҳам ўз мужассамини топиши ҳам айнан шундан далолат бериб турибди.

Шу кунларда Ватанимизнинг барча ҳудудларида ҳаётимизнинг Асосий Қонуни қабул қилинганнинг 20 йиллиги олдидан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Байрам баҳонасида мамлакатимиз ижодкор ва санъаткорларидан иборат гуруҳлар ҳам жойларда бўлишиб, халқимизга қувонч ва кўтаринки кай-

фият улашишмоқда. Ўз навбатида ижод аҳли ҳам фермерлар, тадбиркорлар, таълим, маданият ва тиббиёт соҳалари ходимлари, sanoat корхоналари ишчи-хизматчиларининг ҳудудларда амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, ўларнинг янги асарлари учун мавзу

ҳамда илҳом олиб қайтишмоқда. Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 20 йиллиги арафасида "Ўзбекинаво" эстрада бирлашмаси, Тошкент давлат юридик институти масъуллари, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзолари ва ОАВ вакиллари билан иборат бир гуруҳ зиёли ва ижодкорлар Қорақалпоғистон Республикасида сафарда бўлиб қайтишди. Мамнуният билан таъкидлаш кераки, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети адабиёт музейида, Чимбой тумани ҳокимлигида, Нукус ҳуқуқшунослик коллежиди, Тўртқўл, Беруний туманлари аҳолиси вакиллари иштирок этган Эллиқалъа туман маркази — Бўстон шаҳридаги муҳташам санъат саройида бўлиб ўтган маданий-маърифий тадбирлар, одамларнинг ижод ва санъат аҳли билан бақамти суҳбатлари дилларга байрам шукӯҳини олиб кирди.

2 ➔

ОБУНА — 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! "HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. 2013 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 331

© 2012 йил — Мустақкам оила йили

МУСТАҚКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Мустақкам оила йили" Давлат дастурининг 85-банди ижроси юзасидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Бадний академияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган "Мустақкам оила — жамият таянчи" танлови якунига етди.

Шу муносабат билан Тошкент Фотосуратләр уйида мазкур танлов голиблари ва совриндорларига мукофотларни топшириш маросими ва фотокўргазма ташкил этилди.



4 ➔

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

(Бошланғич 1-бета)

Бу борада шунга таъкидлаш ўринлики, конституциямиздаги оилага бўлган эътибор ёки ота-онага муносабат хусусидаги қоидалар халқимизнинг онгида кўп асрлардан буён шаклланиб келган урф-одатларимизнинг бир бўлагига айланган, қолаверса, умумэтирофга сазовор бўлган қадриятларимиз ўз ифодасини топганининг бир намунасидир.

Конституция моҳиятан жамиятнинг ижтимоий тузумини тартибга солиш билан бир қаторда ҳокимият учун курашнинг муайян ҳуқуқий доирасини аниқ белгилаб бергани билан аҳамиятлидир. Ташкилий функциянинг моҳияти давлатнинг конституцион тузилишини ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир асосий мезонларни тартибга солишдан иборат. Конституцияда жамият тарққиётига туртки берувчи ғоялар ҳам ўз ифодасини топган бўлади. Бу унинг амалий функциясини намоён қилади.

Конституция — асосий қонун сифатида муайян давлатнинг ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, ҳуқуқий тизим фаолиятининг устувор тамойилларини белгилайди. Бу унинг юридик функциясида яққол намоён бўлади.

Асосий Қонунимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг қиёфаси, унинг ўзига хос белги ва хусусиятлари ўз ифодасини топган. Булар демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилларидир. Булар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, давлат ва жамиятни бошқаришда қонун устувор-

лиги, давлат ҳокимияти органларининг сайловлар асосида шакллантирилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши каби шаклларида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бош Қомусимизда Конституция ва қонун устуворлиги тамойили мустаҳкамлаб қўйилган. Бу бизнинг ҳуқуқий, демократик давлат куриш йўлидаги мақсадларимизнинг мазмунини тўла ифодалайди. Бу ҳужжатда шахснинг ёши, миллати, ирқи, ижтимоий аҳолига доир ҳеч қандай чеклашлар йўқ. Бошқа айрим мамлакатларнинг фуқароликка эга бўлиш тўғрисидаги қонунчилигида эса тил билиш ва ўтроқлик негизлари борасида чеклашлар мавжуд.

Бош Қомусимизда инсоннинг ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар — яшаш, шахснинг дахлсизлиги, суд жараёнида шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш, турар жой дахлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш, фикрлаш, эътиқод, сўз ва виждон эркинликлари каби қатор ҳуқуқлар қонун йўли билан кафолатланган.

Бинобарин, унда халқимизнинг олий мақсади, иродаси ўз ифодасини топган. Ушбу қонун асосида мингдан ортқ қонун ва 15 та Кодекс қабул қилинган. Мана шу қонунларнинг барчаси фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлиги таъминланган давлат барпо этиш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарь вилоят
Адлия бошқармасининг
Нотариал, адвокатура ва
ФХД органлари
бўлими бошлиғи

(Бошланғич 1-бета)

Иждорқорлар ўз чиқишларида Конституция — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўланма, балки ғурур-ифтихор, кирак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳимоя қалъаси эканлигини таъкидладилар. Бинобарин, Асосий Қонунимизнинг ҳеч нима билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий роли, унинг биринчи навбатда, биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик демократик тамойиллар асосига қурилганидир.

— Мамлакатимизнинг чекка туманларида яшаётган аҳоли ҳам бугунги ахборот оқимидан етарли хабардор, десам хато бўлмайди, — дейди Муҳаммадсобир Айтминов. — Ҳар бир хонадондаги телерадио, компьютер воситалари, интернет, бугунгидай маданий-маърифий тадбирлар омманинг билим савиясини янада юксалтиради. Мен Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги муҳбири сифатида туманимизда бўлиб ўтаётган тадбирни тўғридан тўғри радиорепортаж шаклида эфирга узатиб, яна қонунчилик ҳам маза қилиб кўришга улгурдим. Тонналаб пилла, галла, пахта хирмон-

ҚУТЛУФ САНА ШУКУҲИ



ларини яратётган фуқароларимизнинг мана шундай мароқли хордик чиқариши турмушимизга ярашиб турибди. Яқинда туманимизга халқимизнинг севимли санъаткори Озодбек Назарбеков ҳам ижодий сафар қилганди. Бустон шаҳри ва унга ёндош туманлардан келган қишлоқлар мана шу қошагага йиғилиб, мароқли куй ва кўшиқлардан баҳраманд бўлишди. Очиги, бундай замонар шукронаси учун халқимизга ҳар кун бир

тўй қилса ярашади. Асосий Қомусимизнинг 20 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган мазкур анжумандан кўнглим тоғдай кўтарилиб қайтдим.

Сўхбатдошимизнинг бу сажимий сўзлари бошқа жойларда бўлган кўлаб тадбирлар иштирокчиларининг дил сўзларига ҳамохан десам, асло муболага бўлмайди. Зотан, бу уларнинг юз-кўзларидаги завқ шавқда акс этиб турарди.

Шуни айтиш керакки, самимий учрашув ва жонли мулоқотлардан иборат бундай байрамолди тадбирлари мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида, туман марказларида, ҳаттоки олис-олис қишлоқларда ҳам ўтаётганини ОАВ орқали кўриб бораётишимизга доир асосий қонун ва қоидаларни ўзида тўлатқис қамраб олган Конституциямиз байрамнинг улкан тантанани билан қутиб олиниши

ва нишонлини албатта, таъбиийдир.

Бинобарин, ҳамкасбимиз лutf қилганидек, бағрикенг, меҳмондўст, меҳнаткаш халқимизга ҳар кун бир тўй қилиш чиндан ҳам ярашади. Чунки у шундай эъзоз ва ардоққа сазовор. Бу эса мамлакатимизнинг Буюк Ҳаёт қомусида ўз ифодасини топган.

Ў. ХАЙРУЛЛАЕВ

Суратларда: байрам тадбирларидан лавҳалар. Муаллиф фотолари

Халқчил ва демократик Конституция

Пойтахтимиздаги Темирийўлчилар маданият саройида Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Бош Қомусимиз — 20 ёшда» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.


Анжуманда мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилиниши билан юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати олий даражага кўтарилганлиги таъкидланди. Зеро, инсон манфаатларининг устуворлиги, фуқароларнинг эркин яшаш ҳуқуқини таъминлаш Конституциямизнинг буюк мезони қилиб белгиланган. У ўш моҳияти, фалсафаси ва мақсадида кўра, инсон ҳақ-ҳуқуқла-

ри ва манфаатларини мужассам этган.

Анжуманда сўзга чиққанлар Бош Қонунимиз халқаро ҳамжамият томонидан энг халқчил ва демократик конституция сифатида эътироф этилаётгани ҳақида алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда ижро этилган она Ватан, инсон қадр-қимматини шарафловчи куй-кўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Жабир Хўжақулов,
«Hurriyat» муҳбири



Истиқлолнинг дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқариш борасида кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ушбу ўзгаришлар, янгиланишлар замирида Ватанимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллашдек эзгу мақсадлар мужассамдир, албатта.

Эътиборли жиҳати, мазкур ислохотларда инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги ҳимоя қилинадиган, унинг салоҳиятини юзага чиқариш учун кулай шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш,

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш асослари

давлатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим вазифаларини бажаришда аҳолининг фаол иштироки учун кенг имкониятлар очиб бераётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Мамлакатимиз Конституцияси амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда мазмун-моҳиятини белгилаб берган асосий ҳужжат ҳисобланади. Бош Қомусимизда давлатнинг жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш бериши мустаҳкамлаб қўйилган. Айнан шу нормаларни рўёбга чиқариш мақсадида 200 дан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айни пайтда ушбу ҳужжатлар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташки-

лотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан рағбатлантиришнинг ўзига хос тизими жорий этилди. Масалан, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008-2012 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва бошқа фуқаролик институтларига ижтимоий аҳамиятга эга ўз лойиҳаларини амалга оширишлари учун давлат бюджетидан мазкур жамоат фонди орқали 22,4 миллиард сўмдан ортқ маблағ ажратилди. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ушбу маблағларни грант танловлари йўли билан, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий бурортмаларни жойлаштириш орқали тақсимлаш механизми ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда фуқаролик институтларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг бундай механизми яратилгани соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳит муҳофазаси, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, барқамол авлодни тарбиялаш борасида юзлаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ

этиш имкониятини бераётди. Бунинг натижасида давлат дастури ва бошқа худудий дастурларни рўёбга чиқаришда иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони қарий икки бараварга кўпайди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этаётди. Бу эса фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмақлашмоқда. «Маҳалла» жамоат фонди, «Нуроний», «Sen Yo'g'iz Emassan», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Ўзбекистон Хотин-Эзола қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари аҳолининг турли қатламлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда 6 мингдан зиёд ННТ фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли жиҳати, уларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси давлат бошқаруви органлари ва Нодавлат нотижорат ташкилотларининг олимлари ва халқаро вазифасини ўтамоқда. Зотан, у ўз аъзоларини ташкилий, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлашнинг турли шакл ҳамда

механизмларидан самарали фойдаланиб келаётди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асослари ҳақида гап кетганда, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мақсадларга демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ролини алоҳида қайд этиш мақсадага мувофиқдир. Ушбу Концепция мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва умумжаҳон демократик жараёнларнинг боришини теран фикрлаш махсусидир. Концепция — мамлакатимиз сиёсий тизимини модернизация қилишнинг дастурий ҳужжати. У Ўзбекистонни ислох қилиш ва демократлаштириш жараёнларининг янги, юксак босқичини бошлаб берди.

Концепцияда кўзда тутилган энг муҳим устувор йўналишлар, мураккаб ва улкан вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳозирги вақтда таъкидланган давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, турли соҳа мутахассислари, шарҳловчи ва журналистлар томонидан оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилмоқда. Таъкидлаш керакки, Концепцияда кўтарилган масалалар нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан муҳокама қилиниб, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва халқаро экспертлар томонидан кенг шарҳланмоқда ҳамда жаҳон жамоатчилигининг ижобий баҳосига сазовор бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Концепцияда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, уларнинг ошқоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, давлат ҳамда жамият гурилишида мазкур институтлар иштирокини кенгайтиришга доир тизимли чора-тадбирлар белгилаб берилган. Хусусан, унда «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиш зарурати кўрсатиб ўтилган бўлиб, бугунги кунда тегишли ишчи гуруҳ томонидан мазкур қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.


Ижтимоий шериклик мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишининг бугунги босқичида муҳим аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, унинг амалиётга татбиқ этилиши давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга туртки беради. Чунки, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш кўзда тутилган. «Ўзбекистон Республикасида Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса мамлакатимизда давлат ҳоки-

мияти ва бошқаруви органларининг ижро этилиши устидан жамият ҳамда фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизминини яратишга қаратилган.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, мазкур қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга барча фуқаролик жамияти институтлари жалб этилиб, жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилди. Мамлакатимизнинг барча худудларида ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, бошқа жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, шунингдек, чет эллик мутахассислар иштирокида кўлаб конференция, семинар ва давра сўхбатлари ўтказилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари илчил ва босқичма-босқич давом этаётганлигининг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун зарур бўлган барча асослар — қонунчилик, ташкилий ва моддий пойдевор шакллантирилган бўлиб, бу механизмлар демократик тараққиётимизнинг бугунги ривожланиш тенденциялари асосида янада такомиллаштирилиб, бойитиб боришмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга тўла замин яратяди.

Х. ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи



Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант талловининг «Уччилик сектор ривожини бўлиб ҳамфикр, ҳамкам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Пахта етиштириш борасида мамлакатимизнинг дунёда етакчи давлатлар қаторида туришини ҳаммамиз яхши биламиз. Кейинги йилларда ўлкамизда мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган халқаро пахта ярмаркалари, унда иштирок этаётган хорижий ҳамкорларимизнинг кўлами кенгайиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Албатта, пахта хомашёси ишлов бериш, ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга.

Истиқлол шарофати билан бу соҳага янада эътибор ортгани боис, у жадал ривож олди. Бунинг сабаби маълум. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини пахтачилик ташкил этадиган Ўзбекистон учун масалага бундай ёндашиш энг тўғри ва самарали йўл бўлди. Табиийки, пахта хомашёсини қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда энгил саноят корхоналарини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам ўзига хос ўринга эга. Бу масъулият вазифа бундан саксон йил муқаддам ташкил этилган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноят институти зиммасидалигини эътиборга олак, ўтган давр мобайнида соҳа ривожининг илмий асослари ҳам мустақамлашиб борганини кўрамыз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, иқтисодийнинг барча тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашга берилган катта эътибор мазкур илм даргоҳининг мақсад ва вазифаларини тубдан ўзгартириб юборди. Ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йилларда бу ерда асосан «Пахтани дастлабки ишлаш» ва «Механика-технология» факультетларида 4 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланди.

Йилдан-йилга унинг илмий, моддий-техника, ўқув-лаборатория базаси мустақамлашиб борди. Илмий даража ва унвонга эга профессор-ўқитувчилар сони ошди. Ўқув ишлари билан бир қаторда кенг камровли илмий изланишлар ҳам олиб борилди. Ўтган давр мобайнида факультетлар, кафедралар сони ортди. Бир суз билан айтганда, Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилиши билан институт тарихида янги давр бошланди. Мустақиллигимизнинг ўтган 21 йили мобайнида билим даргоҳи жамоаси таълим-тарбия жараёнини замон талаблари даражасида қайта қуриш, уни янада такомиллаштириб, самарадорлигини ошириш, ўқув-лаборатория ва кабинетларини янги, замонавий компьютерлар, бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, таълим-тарбияда миллий қадриятлар ва аъёнларга алоҳида эътибор бериш, талаба ёшлар онгига миллий Истиқлол ғоясини синдириш каби

масалаларда жиддий ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида барча соҳаларда бўлгани каби Тошкент тўқимачилик ва энгил саноят институтида ҳам жаҳон стандартлари талаби даражасида кадрлар тайёрлаш тизими қарор топди.

Албатта, мазкур ишларни амалга оширишда институтнинг талабчан ва фидойи раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ибрат рамзига айландилар. Асосий эътибор талабаларнинг пухта билим, зарур малака эгаллашига қаратилди. Хусусан, мамлакатимизда жадал ривожланган бораётган тўқимачилик ва энгил санояти тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашга, ўқув жараёнини такомиллаштириш, янги замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланишга эришилди.

Талаба-ёшлар учун жаҳон стандартларига мос янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилди. Эндиликда Германия, Бельгия, Греция, Жанубий Корея, Россия Федерацияси каби қатор хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юрталарида талабалар ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, биргаликда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, тажриба-ўқазими институтнинг кундалик ишига айланди.

Талабалар замон талабларидан келиб чиқиб, соҳага оид малакалар билан бир қаторда умумий фаолият учун зарур бўлган менежмент, маркетинг, аудит, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, сиёсатшунослик, маънавият асослари каби билимларни ҳам пухта эгаллаш имкониятига эга бўлдилар. Айни пайтда мазкур илм даргоҳида «Пахта санояти технологияси», «Тўқимачилик санояти технологияси», «Автоматлаштириш ва бошқарув», «Энгил саноят ва матбаа маҳсулотлари технологияси» факультетлари, шунингдек, 25 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Талабалар энгил ва тўқимачилик саноятининг машинасозлик, трикотаж, тўқувчилик, йилгирчилик, тикувчилик, поябзал, пахта тозалаш, кўн-тери, канопчилик, ипаччилик тармоқлари, шунингдек, кимё ва мат-



баа санояти учун малакали бакалавр ва магистрлар бўлиб етиштирилди.

Факультет ва кафедраларга уюшган 300 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар салкам 4 минг нафар талабага назарий ва амалий билим сирларини сабоқ беришмоқда. Булар орасида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиклари Р.Махкамов, М.Асқаров, профессорлар Х.Алимова, А.Парлимухамедов, К.Жуманиязов, М.Муқимов, Х.Турсунов, М.Шукуров каби кўплаб соҳа фидойилари номини келтириш мумкин.

Нуфузи халқаро микёсда эътироф этилаётган, ҳали ҳеч бир мамлакат тажрибасида қўлланмаган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талабалари доирасида иқтидорли ёшларни танлаб ўқитишга қабул қилишга катта эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда институт ҳузурида ташкил этилган 2 та академик лицейга ҳар йили 200-220 нафар ўқувчи қабул қилиниб, соҳага оид билим, касб ва ҳунар эгаллашларига эришилмоқда.

Институтнинг барча кафедралари ва бўлимларидаги компьютерлар жаҳон интернет тармоғига уланганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Талабаларнинг илғор ахборот технология воситаларидан унумли фойдаланишлари масофадан туриб билим эгаллашлари, тезрижлик ҳамжасоалари билан ҳозир ахборот алмашишлари учун ниҳоятда қўл келмоқда. Халқаро алоқаларнинг бу тарзда ривожланиши натижасида ўқув маскани «Тўқимачилик академияси», «Матбаа ўқув юрталари ассоциацияси», «Ипак ассоциацияси» каби нуфузли халқаро уюмларга аъзолигига эришилди. Эндиликда хорижий мамлакатларнинг 21 та турдош ўқув юрталари билан мустақам алоқалар ўрнатилган. Булар орасида Германиянинг Берг, Бельгиянинг Гент, Россиянинг

Москва тўқимачилик ва матбаа университетлари, Санкт-Петербург тўқимачилик ва энгил саноят институти, Иваново тўқимачилик академияси, Грециянинг Пирей технология институти ва бошқалар бор.

Истиқлолимиз шарофати билан институтнинг 400 дан зиёд талаба ва ўқитувчилари АҚШ, Германия, Англия, Бельгия, Греция, Жанубий Корея, Хиндистон ва бошқа давлатлар ўқув марказларида амалиёт ўтаб кайтишди.

Шу боис, институт маъмурияти хорижий мамлакатлар билан делегациялар алмашишга, халқаро конференция ва семинарлар ўтказишга алоҳида эътибор бермоқда. Сўнгги 5 йилда «Буюк ипак йўли», «Шарқ либоси дизайнерлар ижод манбаи», «Тўқимачилик санояти самарадорлигини ошириш йўллари» каби мавзуларда 13 та халқаро конференция ва семинарлар ўтказилди. Ҳар йили 10-15 та хорижий мамлакатдан тўқимачилик технологияси бўйича таниқли олимлардан иборат вазиллар қабул қилинмоқда. Ўз навбатида институт олимлари Техас (АҚШ), Сичуан (Хитой), Пирей (Греция), Гент (Бельгия), Берг (Германия), Санкт-Петербург, Москва (Россия) институти ва университетларида тажриба алмашиб қайтишмоқда.

Институт ўқув моддий-техника базасини мустақамлашда 2000 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси билан Япония ҳукуматлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасида Тошкент тўқимачилик ва энгил санояти институти ўқув марказларини такомиллаштириш ҳақида имзоланган ҳужжатнинг аҳамияти айниқасан катта бўлди. Мазкур ҳужжатга асосан Институт умумий қиймати 4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi замонавий ўқув қуроллари ва асбоб-ускуналарига эга бўлди. Ушбу маблағлар эвазига

«Ипак технологияси», «Тўқима технологияси», «Йигирув» кафедралари қошидаги ўқув-амалиёт лабораториялари хорижий компания ва фирмаларнинг замонавий ўқув дастгоҳлари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Бундан ташқари, «Ўзпак-тасанот» уюшмаси ҳомийлигида «Пахта санояти технологияси» факультетининг «Пахтани дастлабки ишлаш» кафедраси қошида янги мини пахта тозалаш заводи қурилиб ишга туширилди.

Табиийки, буларнинг барчаси институтда мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. Фақат истиқлол йилларида талабалар, магистр ва аспирантлар орасида 10 га яқин Президент стипендияси, 34 нафар Беруний, Улугбек ва Навоий номидаги давлат стипендиялари соҳиблари, шунингдек, «Камолот» ЕИХ, фан ва таълим ходимлари Касаба уюшмалари марказий қўмитаси, институт илмий-Кенгаши стипендияларига сазовор бўлган иқтидорли талабаларнинг катта бир гуруҳи етишиб чиқди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида таълим сифатини ошириш ва институт илмий салоҳиятини кўтариш мақсадида 30 га яқин фан доктори, профессорлар ҳамда 230 дан ортиқ фан номзоди, доцентлар тайёрланди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда тобора тараққий этиб бораётган пахта санояти корхоналарини замон талаблари даражасида малакага эга бўлган етук мутахассислар билан таъминлаш зиммамизга катта масъулият ва шараф юклайди.

У.АБДУЛЛАЕВ,
Маънавият ва маърифат ишлари бўйича институт проректори,
И.ХАЙИТОВ,
доцент

Кичик бизнес субъектлари диққатига!
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Л.Толстой кўчасидаги Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали ётоқхонасининг биносини мукамал таямирлаш.

Муддати — 30.03.2013 йил
Бошланғич нархи — 224 158 800 сўм ҚҚС билан;
186 799 000 сўм ҚҚС сиз.

Буюртмачи: Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали
Манзил: Фарғона шаҳри Янги Турон кўчаси 2-А,
Телефон: 8 (373) 224-51-03.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота — 100 фоиз.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоизи миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй,
тел/факс: +998-98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бундан ташқари таъминнинг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиш кунини ва вақтига қабул қилинади.

Таклифлар очилиши маъбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин. Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй манзилда ўтказилади.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 21 декабр соат 11:00 да ўтказилаётган аукцион савдосида Урганч шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиёрига туман судининг 16.08.2012 йилдаги 1/64-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Урганч шаҳар, Хонка кўчаси, 3-пр. жойлашган Хоразм вилояти ИИБ автогаражида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, д/р 90 G 276 АА, бошланғич баҳоси 25 045 560,54 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйида.

Талабгорлардан аризалар ҳар кунин (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тулачи вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланғичдан 1 (бир) кун олдин 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда «Universal Auktision Invest» маъсулияти чекланган жамияти Хоразм вилояти филиалининг Урганч шаҳар АИТБ «Ипотека банк» Тинчлик филиалининг, МФО 00580, ИНН 302083379, 2020 8000 5049 3216 8008 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни тоширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Иштирий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уй. Тел: (8362) 226-96-36.

ТУЗАТИШИ!
«Universal Auktision Invest» МЧЖ Бухоро вилояти филиали томонидан «Хуррият» газетасининг 2012 йил 21 ноябрь 48 (800)-сонида чоп этилган реклама эълонидаги 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, д/р 80 151 ВАА бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 12 200 000 сўм ўрнига 2 100 000 сўм деб ўқилсин.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Тел: (8365) 223-97-14. ДИҚҚАТ!

«Universal Auktision Invest» МЧЖ томонидан «Хуррият» газетасининг 2012 йил 7 ноябрь 46 (798)-сонида чоп этилган реклама эълонидаги 2005 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, д/р 30 O 8131 бўлган автотранспорт воситаси бўйича аукцион савдолари Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 30 ноябрдаги 1178/3-сонли хатига асосан тўхтатилади.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Тел: (+99871) 236-74-67. Гувоҳнома № 004059

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
Ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девоний Ишлар Бошқармасининг уй-жой коммунал ва меҳмонхоналар хўжалиги балансидаги 1988 й. и/ч. «Мураеи» русумли мотороллер — 67 000 сўмга; 1983 й. и/ч. «МП-1600» русумли мотопомпа 525 000 сўмга; рўйхат рақами 10А722, бўлган «Jet Ski» русумли гидроцикл 3 050 000 сўмга ва рўйхат рақами 10А721, бўлган «Jet Ski» русумли гидроцикл 2 960 000 сўмга ва «GLASTRON SX 170» русумли иккита катер рўйхат рақами 10А724 — 8 760 000 сўмга; рўйхат рақами 10А723 8 130 000 сўмга; д/р 01/535 PPP, бўлган «Нексия» — 6 350 000 сўмга ҳамда 2 та «ГАЗ-3102» д/р 01/519 PPP — 2 050 000 сўмга ва д/р 01/306 JBA, — 3 300 000 сўмга; д/р 10АС254, бўлган «ЛУАЗ-4470А» — 3 450 000 сўмга; д/р 01/510 PPP — 4 000 000 сўмга; д/р 01/527 PPP, 4 350 000 сўмга, д/р 01/529 PPP — 4 450 000 сўмга; д/р 01/532 PPP — 4 700 000 сўмга тўғрисида «Дамас» д/р 01/512 PPP, бўлган «УАЗ-31515» — 3 120 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Абдуғани СОДИҚОВ

КИЧИК БИЗНЕС УЛУШИ ОРТМОҚДА

Сўнгги йилларда барча жойларда бўлгани каби Фарғона вилояти иқтисодиётида ҳам улкан ўзгаришлар кузатишмоқда. Амалга оширилган ислохотлар вилоят аҳолисининг турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилаётти. Бунда вилоятда фаолият юритаётган банкларнинг хизмати катта бўлаётти. Хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилаётган кўшма корхоналар билан бир қаторда кичик бизнес субъектлари сонининг ортиб бораётгани янги иш ўринларининг барпо этилишига замин яратмоқда. Мазкур тармоқни ривожлантириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортаётти.

Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялашда банклар бераётган молиявий кўмакнинг самараси катта бўлмоқда. Бунинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фаол иштирок этаётган «Агробанк» ОАТБнинг Фарғона вилояти бошқармаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Хозирги пайтда банк томонидан 23 мингга яқин юридик шахс мамонига эга миқдорларга хизмат кўрсатилаётган бўлса, улар орасида кичик бизнес субъектлари сони ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Албатта, янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарига юртимизда кенг имкониятлар яратилаётгани, хусусан, банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий мадад ҳамда замонавий хизматлар, уларнинг барқарор ривожланишига олиб келияпти.

Бошқарма томонидан 2012 йилнинг 1 ноябрга қадар барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан вилоятда кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 26,5 миллиард сўм кредит ажратилиб, бу кўрсаткич 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 миллиард сўмга ошди. Ажратилган кредитларнинг 26,5 миллиард сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди. Пировардида жойларда 2237 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

— Биз ўзимиз яшаб турган маҳаллада тадбиркорлик билан шуғулланишни режалаштирган эдик. Шу йўл билан халқимиз дастурхонига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришга мўлжалланган «Фарғона Ойбек иссиқ нон» МЧЖга асос солинди. Корхонани бир маромда ишлаб кетиши учун бизга, албатта, молиявий ёрдам зарур эди, — дейди мазкур корхона раҳбари Бахтиёр Ризаев. — «Агробанк» ОАТБнинг Фарғона вилояти бошқармасига топширган лойиҳамиз банк мутахассислари томонидан ижобий баҳолашиб, бизга 180 миллион сўм миқдорда кредит берилди. Мазкур маблағ ҳисобига зарур тех-

нологиялар сотиб олиб келиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Боз устига, кўплаб маҳалладошларимиз янги иш ўринлари билан таъминланди.

Дарҳақиқат, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор мақсади ҳисобланади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Агробанк» ОАТБнинг вилоят бошқармаси томонидан 345 та кам таъминланган оилага 1 миллиард 12 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўларди.

Шунингдек, оилавий касаначиликни ривожлантириш ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш орқали ҳам кўплаб оилалар қўшимча даромад манбаига эга бўлишмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик билан шуғулланиб, оиласига ва мамлакат тараққиётига муносиб улш қўшаётган аёллар Фарғона вилоятида кўпчиликни ташкил этади. Ушбу молия муассасаси ана шундай аёллардан 722 нафарига замонавий банк хизматларини кўрсатаётти. Жорий йилнинг 1 ноябрга қадар тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар миқдори 3,2 миллиард сўмдан ошди.

Риштон туманида Юлдузхон Юлдошевани кўпчилик яхши таниди. Замон билан бақамти қадам ташлаётган Юлдузхон ўзбек аёллари фақат оила мустақ-

камлигига эмас, балки жамият тараққиётига ҳам хисса қўша олишини исботлаб келаётган тадбиркорлардан. Хусусан, Юлдузхон ташкил этган тикувчилик кичик корхонасида айни пайтда 20 га яқин қишлоқ аёллари иш билан таъминланди.

— Корхонамиз маҳсулотларининг сифати билан мақтана оламиз. Уларга талабнинг ортиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўлади, — дейди Юлдузхон Юлдошева. — Корхонани ташкил этишда даставвал иккиландим. Кўнглимда аёл босим билан бунинг элпиб кета оларимканман, деган ҳадик бор эди. Аммо яқинларим мени қўллаб-қувватлашди. Банка ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Ўз вақтида бизга ёрдам кўрсатилди. Натижанда 10 миллион сўм миқдорда кредит олиб фаолиятимизни кенгайтирдик.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Хусусан, касаначиликни кенгайтириш орқали аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга эришилаётти, деса ҳам муболаға бўлмас. Азалдан яхши маълумки, Фарғона халқи ҳунармандчилик, кулчилик, қандолатчилик билан ном қозongan. Бугун ҳам бу аъёнлар йўқлиб кетгани йўқ. Аксинча, фарғоналикларда уни янада ривожлантиришга иштиёқ катта. Бунинг яқин аниқланган банк ходимлари тадбиркорларнинг асосий ҳамкори сифатида уларга камарбаста бўлиб қолаверади.

Абдуғани СОДИҚОВ

(Бошланғич 1-бетда)

Тадбирларнинг очиқида Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Ахмедов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу борадаги ишларнинг аҳамияти ва мақсадларини аҳолининг барча қатламларига тушунтириш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилган кенг қўламли ишларни тизимли ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизматлари катта. "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" танлови ана шундай фаол ва фидойи журналистларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Танловга "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" деган тўғриси халқимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онгига сингдириш, мустақиллик йилларида оилаларни мустаҳкамлаш борасида эришилган ютуқлар ва амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилган ул-



Сарвар ҲУСНОВ (ЎЗА) олган суратлар

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

кан ишларни кенг ёритишга бағишланган саккиз юздан ортиқ мақолалар ва фотоасарлар тақдим этилди.

Уларни баҳолашда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида, 2012 йил 27 февралда қабул қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги қароридан белгиланган вазифаларнинг ижро-

сини таъминлаш, жамиятимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш борасида амалга оширилган ишлар самараларини ёритишда одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган таъсирчан усуллардан фойдаланилганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ғолиблар ва совриндорлар танлов ташкилотчилари томонидан махсус дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

— Оила мавзуси жудаям кенг қамровлидир. — дейди танлов совриндори, Навоий вилоятидаги "Учкудук" туман газетаси бош муҳаррири Райхон Қодирова. — Оила институтини ривожлантириш, фарзанд тарбияси, маҳаллалардаги маънавий муҳит, жамиятда

ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, сийҳат-саломатлик каби масалалар биз, журналистларнинг доимий диққат-эътиборимизда турадиган мавзулардир. Мазкур нуфузли танловда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан қўллаб-қувватлаш иштирок этгани шу сабабли ҳам жуда қувончли. Давлатимиз раҳбари томонидан оммавий ахборот воситаларини ривожлан-

тириш, журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар биз, ижодкорларнинг ўз кучимизга ишонч, ижодимизга рағбат бағишлайди.

Танловга тақдим этилган энг яхши фотоасарлардан иборат "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусидаги фотокўргазма ташкил этилди.

ЎЗА

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Коммуникация технологиялари такомилли йўлида

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари Давлат қўмитаси «Ўзбекистоннинг дастурий маҳсулотлари бозори: ривожланиши ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида матбуот анжуманини ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққан мамлакатимизнинг дастурий маҳсулотлари бозори жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар сони 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида 208 тага етди. Жумладан, ЭҲМлар учун 194 та дастур, 14 та маълумотлар базаси рўйхатга олинди.

Кўрсаткичларнинг бундай ўсиши республикада ахборот технологиялари соҳасидаги фаолият ҳар томонлама рағбатлантирилаётганини билдиради. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан 2012-2014 йилларда давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг миллий ахборот тизимига интеграциялашувини таъминлаш мақсадида 32 та ахборот тизимлари тўпламини яратиш ва жорий этиш кўзда тутилган.

Бугун барчага бирдек беминнат хизмат қилаётган leх.uz сайти жуда кўп меъёрий ҳужжатларни ўзида жамлаган. Шундай тизимларнинг яна иккитасини яратиш режалаштирилган. Жорий йилнинг охирига қадар «Маҳалла» тизимини яратилса, келгуси икки йилликда «аҳоли» тизими ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 октябрдаги «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан дастурий воситалар ва ахборот тизимларига давлат буюртмасини шакллантириш кўзда тутилган. Айни пайтда миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича комплекс дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш мўлжалланган.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларига буюртмалар ҳажминини жиддий равишда оширади.

Азим РҲЗИЕВ, "Hurriyat" мухбири

Гузэл МАЛИКОВА, "Hurriyat" мухбири

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ОАВНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

(Бошланғич 1-бетда)

— Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ва сўз эркинлигини амалда таъминлашга қаратилган эътибор одамларни ўз фикрларини очиб ифода этишга, эски қарашлар ҳамда бир хил фикрлашдан воз кечишга асос бўлиб хизмат қилмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Энг муҳими, бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси ҳам яратилган. Аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятдан доимо ҳабардор қилиш мақсадида барча давлат ҳамда ҳужалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари, веб сайтлари ташкил этилган. Бу олиб борилаётган ис-

лоҳотлар тўғрисида нафақат республикамиз аҳолиси, балки халқаро жамоатчиликнинг ахборот олишига ҳам шарт-шароит яратиб бермоқда.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаси мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан фикрлар, қарашлар ранг-баранглигини шакллантиришдан иборат. Шу боис, бугунги глобаллашув даврида ОАВ зиммасига жиддий масъулият юкланмоқда. Улар, биринчи навбатда, реал ҳаётни, рўй бераётган ўзгаришларни ҳар томонлама ақс эттириши, мавжуд муаммоларни дадил кўтариб чиқиши лозим. Шунингдек, нашрлар давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, фуқаролик жамияти институтлари-

ни ривожлантиришда фаол иштирок этиши керак. Бугунги сиёсий модернизация жараёнлари ва демократик ислохотлар босқичи эса бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга, аҳоли ва кенг жамоатчиликни ахборот билан чуқурроқ таништиришга талаб этади.

— Оммавий ахборот воситалари, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шухрат Деҳқонов, — жамиятда ошқоралик, очикликни таъминлаш билан бирга, фуқаролар сиёсий фаоллигини кучайтиришга, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишга ҳаракатлантирувчи куч ҳамдир. Чунки аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантирувчи субъектлар ичида, айнан оммавий ахборот воситалари инсоннинг бугун онгли ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлиб боради. Бошқача айтганда, улар аҳолининг

ҳуқуқий маданияти, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини шакллантиради.

Бугун республикамизда ҳар бир оммавий ахборот воситаси олдида ахборот бозорига ўз ўрнини топиш, тараққиёт йўлини белгилаш, фуқаролик институтлари тизимида ўз мавқеини мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди. Эеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Ахборот эркинлигини таъминламасдан, ОАВни одамлар ўз фикр ва мулоҳазаларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокига эришиш кийин". Демак, ОАВнинг мустақиллигини, сўз эркинлигини таъмин-

лаш, фикрлар хилма-хиллиги, одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини очиб ифода эта олиши учун реал имкониятлар яратиш, бу йўлдаги барча тўсиқларга барҳам бериш катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридики айтилган вазифаларнинг бажарилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини янада оширишда ҳиссасини кўшади.

Азим РҲЗИЕВ, "Hurriyat" мухбири

Гузэл МАЛИКОВА, "Hurriyat" мухбири

ЮРГАН — ДАРЁ

Яқинда Фарғона вилоятида фаолият кўрсатадиган бир гурӯҳ қаламқашлар ижодий сафар билан Навоий вилоятига ташриф буюрдилар. Бу одат водийлик журналистлар учун анъанана айланган. Ижодкорлар сафар давомида навоийлик ҳамкасбларининг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш баробарида зиёратгоҳ ва диққатга сазовор жойларга ҳам қадам ранжида қилишди.



САФАР СЕРМАЗМУН БЎЛДИ

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, юртимиздаги барча вилоятлар ичида энг сарҳади кенг ҳудуд Навоий ҳисобланади. Қармана, Қонимек, Қизилтепа, Томди, Нурота, Хатирчи, Навбахор туманлари ва Қизилқум саҳроси кенгликларини ўз бағрига олган.

Президентимиз Ислам Каримов бежиз: «Навоий олтин сандиқ тўла Қизилқумдан иборат», — дея алоҳида таъкидламаган экан. Бу вилоятда Менделеев ҳаввалидаги барча элементлар бор.

— Ҳақиқатан ҳам вилоятимиз кенгликлариди ҳамма нарса бор, — дейди Навоий ўлкашунослик музейи директори Рамазон Эгамов. — Фақат сах-

рони ихлос билан кезиш, сайр қилиш керак. Мен чўпонлар билан бир неча марта Қизилқумни кездим. Мана, ақуланинг умуртаси-ю, динозаврнинг суякларини топиб келдим. Биргина Сармишсойдаги тошга чизилган беш мингдан зиёд расмлар узоқ ўтмишдан дарак беради. Худо хоҳласа, таассуротларимни китоб қилмоқчиман.

Ҳа, Қизилқум шунчалик завқли, кенг, сокин, сеҳрли маскан эканки, бу ерга бир келган одам келишга яна интилади.

Бугун Навоий вилоятида 40 та ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Шундан 30 таси газета, 5 та журнал, 8 та телевидение. Уларнинг 25 таси давлат ва 15 таси нодавлат ОАВ лари ҳисобланади. Уларнинг фаоли-

яти ҳақида навоийликларнинг ўзлари тўлиб-тошиб гапириб беришди.

Ёркул УМАРОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Навоий вилояти бўлими раиси: — Бугунги кунда вилоятда 300 нафарга яқин журналист фаолият юритмоқда. Улар орасида давлатимизнинг фахрий уювчиси билан тақдирланганлар ҳам бор. Хусусан, "Меҳнат шухрати" ордени нишондорлари Одилкул Ҳотамов, Салимаҳон Умарова, Шарбат Мухтомова, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвони соҳибига Исроил Холбоев, "Шухрат" медалига муносиб қўрилганлар Жўракул Эшон, Райхон Каримовалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Раҳим Мақсудов, Фе-

руза Кубараева, Георгий Трофимов, Абдували Қўзибоев, Нодира Самандарова, Руслан Сабуровлар халқаро "Олтин қалам" миллий мукофотини олган бўлсалар, Александр Алимов, Шаҳноза Маҳмудова, Абдумутал Норбоев, Раҳимов Қаймоқова, Гулнора Уроловалар "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуг, энг азиз" мукофотларига сазовор бўлганлар.

Абдумажид ЖҲРАЕВ, Навоий вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи: — Бугун Навоий вилоятида даврий нашрлар ўзбек, рус, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида чоп этилмоқда. Уларнинг бир марталик чоп этилиши адади 180356 нусхани ташкил этапти. Айни пайтда вилоят ҳокимлигининг "Дустлик байроғи", "Знамя дружбы" вилоят газеталари 52 минг нусхада, "Қизилтепа тонги" газетаси 14264, "Олтин водий" газетаси эса 7180 нусхада чоп этилмоқда.

Олга САШИНА, "Дустлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталарининг бош муҳаррири: — Бизнинг газеталаримиз 1983 йилдан чика бошлаган. Ҳозир тахририятимизда 62 нафар ходим ишлашади, улардан 21 нафари журналистлардир. Тахририятимиз шаҳримизнинг энг гузал биноларида бири "Матбуот уйи" да жойлашган. Мазкур бино газета тахририятларининг маблағи ҳисобига қурилган.

2010 йилда лизинг асосида 365 минг АҚШ доллари қийматига эга Хиндистонда ишлаб чиқарилган тўрт хил рангда, соатига 30 минг нусхагача газета чоп эта оладиган «Imrakta» русумли ускунани келтириб ўрнатдик. Мана, энди ўзимизнинг матбаа бўлимида 24 номдаги газеталар чоп этилмоқда. Айниқса, Бухоро вилоятининг "Бухоро ёшлари", "Ибн Сино ворислари", Самарқанд вилояти, Пахтачи туманининг "Пахтачи" газеталари ҳам бизда бошлаётганини алоҳида таъкидлашим лозим.

Навоийлик қаламқашларнинг ёши ниҳоятда навқирон экани бизни хайратга солди. Қайси газета тахририятига, телевидениега бормайлик, аксарият ижодкорлар ёшлардан иборат. Фарғонада эса журналистларнинг ўртача ёши 51 ёшни ташкил этади.

Вилоятда журналистлар учун алоҳида "Матбуот уйи" қуриб берилганини қўриб, гоётда мамнун бўлдик. «Зарафшон» меҳмононасига яқин жойда "Сардоба" тарихий ёдгорлиги билан танишдик. Қизилқум саҳросидаги энг чуқур жойга сув сақловчи "ёпик кўзача" ўрнатилган. Бу ёдгорлик XIV асрда қурилган бўлса, ҳозирга қадар бутун ҳолида сақлангани кўпчилигимизнинг ҳайратимизни оширди. XI асрда қурилган қарвонсарой — "Работи Малик" ёдгорлиги эса бу ердан "Буюк ипак йўли"

ўтганидан дарак беради. Қадимда қарвонлар бу ерга туяларда дунёнинг жуда кўп мамлакатларидан товарлар олиб келиб сотишган. Бино пештоқидаги ёзувни ўқиб, ҳайратингиз янада ошиши тайин: «Тангрининг марҳамати, замона султонининг сазой-ҳаракати билан бу маскан доимо жаннатмақон бўлур». Қармана туманидаги яна бир ёдгорлик мавлоно Ориф Дегадоний шарафига қурилган. Бу жойда тўртта устундан иборат гулбазли масжид XI асрда қурилган бўлиб, бу ноёб меъморчилик обидасига ҳоржиклик мухтаassisлар ҳам қўйил қилишган.

Маълумки, Навоий шаҳрига 1958 йилда асос солинган. Шаҳарда 138 минг аҳоли истиқомат қилади. "Дустлик" орденига сазовор бўлган бу шаҳарда Навоий кон-металлургия комбинати алоҳида нуфузга эга. Цемент, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоялашда ишлатиладиган кимёвий воситаларни ишлаб чиқаришда "Қизилқумцемент", "Навоий-азим" ОАЖлари ва "Электромаш" заводида Марказий Осиёда тенг келадиган корхона йўқ.

Ўзбекистондаги биринчи Халқаро логистика маркази фаолияти ҳам айнан Навоийда амалга оширилди. Айниқса, Навоий эркин индустриал иқтисодий зона ва унда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг истиқболи баянда. Биз,

фарғоналик журналистлар юқориди номлари зикр этилган жойларни ўз кўзимиз билан кўргач, бу ҳақда хамир учидан патир сифатида бу мақолани ёзишга жазм этдик. Қолаверса, "Навоий — янги имкониятлар ҳудуди" фильми мазкур вилоят имкониятлари хусусида кенг тасаввур уйғотди бизда.

"Фарҳод" маданият саройида ёшларнинг тил ўрганиш, компьютер дарслари, хунармандчилик, рақс, каштачилик, спорт тўғрақлари фаолияти билан танишиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик. Болалар бизга инглизча қўшиқ айтиб беришди. "Ёшлар" спорт маркази 2011-2012 йилда барпо этилгани, бу ерда жорий йилда "Умид ёшллари" республика спорт мусобақалари ўтказилгани тарихий воқеадир. Айниқса, 14 минг ишқибоз сифадиган футбол ўйинчиҳини таърифлашга сўз тополмадик.

Навоий вилоятига қилинган ижодий сафар ҳаммамизга куч-ғайрат бағишлади. Узро ижодий ҳамкорлик, самимий учрашувлар, дилдан дийдорлашувлар, шеърхонлик, аския ва пайрловлар — ҳамма-ҳаммаси кўнгилларни тоғдек кўтарди.


Собир ДАЛАХҲАЕВ, Фарғона туманидаги "Водил ёлуси" газетаси муҳаррири, халқаро "Олтин қалам" мукофоти совриндори



**ОАТ «ТУРОНБАНК»
ЖАМОАСИ**

*барча юрtdошларимизни Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 20 йиллик байрами билан
самимий табриклайди.*

Ҳамда калава иплар таёрлашга
ихтисослашган замонавий
технологиялар билан жиҳозланиб,
айни пайтда фаолият кўрсатаётган
“Фаргона Турон Текстил”
фабрикаси сотилишни
эълон қилади.
Батафсил маълумотларни
www.turonbank.uz саҳифасида ёки
(+99895) 142-31-66,
(+99871) 271-66-77 (119 ички)
телефонлари орқали
ОАТ Туронбанкнинг Инвестиция
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
мониторинг қилиш департаментидан
олишингиз мумкин.



«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 3 октябрдаги 186к-ПО-сонли буйруғи асосида «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ ризаторлик ташиқоти томонидан 2012 йил 13 ва 20 ноябрь кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижасига кўра, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Келес йўли кўчасидаги умумий майдони 3,2 гектарли ерда жойлашган, ҳар бирининг майдони 0,03 гектардан ҳамда ҳар бирининг бошланғич нархи — 2 574 000,0 (икки миллион беш юз етмиш тўрт минг) сўмдан иборат бўлган, жами 104 та (бир юз тўртта) 1-, 2-, 3-, ... 103- ва 104-сонли ер участкаларида яқка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга мерос қилиб қўйилганлигини умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари (сотиш ҳуқуқисиз) қўйидаги натижалар билан сотилганлиги маълум қилинади:

- 1-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 2-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 3-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 4-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 5-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 6-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 000 000,0 сўм;
- 7-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 8-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 9-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 10-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 11-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 12-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 13-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 000 000,0 сўм;
- 14-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 000 000,0 сўм;
- 15-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 16-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 17-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 18-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 19-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 20-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 21-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 22-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 23-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 24-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 25-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 26-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 27-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 28-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 29-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 30-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 000 000,0 сўм;
- 31-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 32-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 33-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 500 000,0 сўм;
- 34-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 500 000,0 сўм;
- 35-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 000 000,0 сўм;
- 36-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 37-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 38-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 39-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 40-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 41-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 42-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 43-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 44-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 45-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 46-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 47-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 000 000,0 сўм;
- 48-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 49-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 50-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 51-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 52-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 53-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 54-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 55-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 56-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 57-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 58-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 59-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 60-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 61-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 62-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 63-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 64-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 65-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 66-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 67-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 68-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 69-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 70-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 71-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 72-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 73-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 74-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 75-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 500 000,0 сўм;
- 76-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 77-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 78-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 79-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 80-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 81-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 82-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 83-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 84-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 85-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 86-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 6 000 000,0 сўм;
- 87-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 88-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 89-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 90-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 91-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 4 500 000,0 сўм;
- 92-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 93-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 94-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 95-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 96-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 97-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 98-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 99-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 100-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 101-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 000 000,0 сўм;
- 102-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 103-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм;
- 104-сонли ер участкасига бўлган ҳуқуқ — 5 500 000,0 сўм.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 301-хона.
Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 142-51-15; расмий веб сайтимиз: TPI.uz.

Лицензия: №RR-0109.

“QO’QONSPIRT”

акциядорлик жамияти жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

Мамлакатимиз Конституциясининг

20 йиллик байрами билан барча

юрtdошларимизни

чин қалбдан муборакбод этади.

Юртимиз тараққиётига ўзларининг

фидойи меҳнатлари, изланишлари билан

муносиб ҳисса қўшиб келаётган

ҳамкасбларимиз ва ҳамкорларимизга ҳам

янгидан - янги муваффақиятлар

тилаймиз.

Юртимизда тинчлик - осойишталик,

миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик

доимо барқарор бўлсин!

Байрамингиз муборак бўлсин!

ЭЛГА ХИЗМАТ — БУРЧИМИЗ

ЁНГИН ҲАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Туманимизда халқ ҳўжалигининг барча объектлари, маданий-маиший бинолар, шунингдек, аҳоли хонадонларини ёнгиндан асраш борасида катта қўламдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу, албатта, иқтисодий ривожланишга ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шофирконда бошқа хизмат соҳалари қатори ёнгин хавфсизлиги тизими ҳам ўзига хос тарихга эга. Туманда бундан қарий 65 йил муқаддам Жўрабой Очилов раҳбарлигида ўт ўчирувчилар кўнгилли жамияти иш бошлаган. Уша пайтда

мазкур ташкилот нафақат бизнинг туманимиздаги, балки қўшни Пешку ва Вобкент туманлари ҳудудда истиқомат қиладиган аҳоли хонадонларини ҳам ёнгиндан сақлаш бўйича иш олиб борган. Ҳўжалик, корхона ва ташкилотлар, таълим ва тиббиёт муассасаларини ёнгини ўчириш воситалари билан таъминлаш, аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришда кўнгилли жамият аъзоларининг ўрни катта бўлган. Умуман олганда, туманда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда устоз ҳамкасб-

ларимиз — Абдурахим Аҳадов, Аслон Бахронов, Шароф Атоевларнинг хизматлари беқўёс. Улар эндиликда нафақада бўлишса-да, биз — ёшларга ўзларининг бой иш тажрибаларидан сабоқ бериб келишади.

Дарвоқе, мустақиллик йилларида бутун республикамизда бўлган каби, бизнинг туман Ёнгиндан сақлаш бўлими хизмати ҳам тубдан ўзгарди. Бўлимимиз замонавий техника воситалари билан таъминланиб, зарур шарт-шароитлар яратилди. Ана шундай эътибордан руҳланган

ҳолда, айна пайтда ҳудуд ёнгин офатларининг олдини олиш, содир бўлган ёнгинларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўряпмиз. Айнакка, тарғибот ишларига жиддий эътибор қаратганимиз. Шу кўнларда ҳам ёнгин хавфсизлиги ойлиги доирасида мактабга таълим муассасаларида, мактаб ва коллежларда, маҳаллаларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Хайрулла ҚУРБОНОВ,
Шофиркон туман
Ёнгиндан сақлаш бўлими
ўзбеки

ЭНГ МУҲИМИ — ҲУШЁРЛИК

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнгин бўлиб, у қай тарзда юзага келган бўлишидан қатъи назар, ўзининг муҳим ишларини қолдиради. Айнан мана шу офат сабабли дунё бўйлаб йилга қанчадан-қанча кишилар соғлиғидан ажралади, бошпанасиз қолади, ҳалок бўлади. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнгинлар мамлакат иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ёнгинларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш ҳар бир фуқародан фаоллик ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шунингдек, ёниқ электр асбоблари ёки газ плитасини қаровсиз қолдириш, уларни бошқаришни болаларга ишониб топшириш ҳам хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омиллар эканлигини унутмаслигимиз зарур. Бинобарин, корхона ва ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилиш орқали биз катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

М.ХОСИМОВ,
11-ХЕҲА/ш кичик инспектори

«ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА Е»

Бу нақл кўрорга айтилмаган. Чўнқи қишга кўнгилдагидек тайёргарлик кўрмаган киши азият чекиб, сўнгра пўшаймон бўлиши турган гап.

Маълумки, қиш фаслида аҳолининг турли иситиш воситаларига бўлган эҳтиёжи кескин даражада ортади. Айрим хонадонларда эса қўнбола печлардан, электр ва газ ускуналаридан фойдаланиш аънанга айланади. Бунинг оқибатида ёнгин содир бўлиб, катта таъсилларга олиб келади. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, иситиш воситалари, жумладан, печларни қуришда мавжуд мезёр талаблари ва қондаларига амал қилмаслик кўпинча ёнгинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадга мувофиқ, Зеро, ёнгин «тилсиз ёв» эканлигини, у яқинларимиз ҳаётига хавф солса, бунинг ўрнини ҳеч нарса қондал бўлмаслигини унутмаслигимиз шарт.

М.ЙУЛДОШЕВ,
20-ХЕҲК инспектори

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Азиз Ёқубовга умр йўлдоши
Светлана Ёқубованинг вафоти муносабати билан чўкүр таъзия изҳор этади.



Xalq farovonligi —
faoliyatimiz mezon

20 yil

8-dekabr

O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasi kuni
muborak bo'lsin!

«Agrobank» ochiq aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi 43
Tel: 8 (371) 120-88-33, 150-53-95
www.agrobank.uz.

Xizmatlar litsenziyalangan

20



«Бухоро нефтни қайта ишлаш
заводи» ОАЖ фатоаси

Барча юрtdошларимизни
8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кuni билан самимий
муборакбод этади.

Конституция — мамлакатимиз давлат мустақиллигининг
хуқуқий рамзи, халқимиз хоҳиши-иродасининг олий ифодасидир.
У юртимизда демократик хуқуқий давлат ва эркин фуқаролик
жамиятини қарор топтириши, шунингдек, миллий тараққиёт
йўлида амалга оширилайётган кенг қамровли ислохотларнинг
мустақкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.



Мана шундай шукухли
дамларда халқимизга
тинчлик, хотиржамлик
тилашдан мамнунмиз.



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

яқинлашиб келаётган Конституциямиз
қабул қилинганлигининг 20 йиллик байрами билан
қутлайди ва қўйидаги хорижий валютадаги
янги мўддатли омонат турларини таклиф этади

«Мақсадли-2012» —
АҚШ долларига

Сақланиш мўддати — 1 йил,
ҳисобланган фоизлар омонат
мўддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча
филиалларида очиш мумкин.

«Асака» банк (ОАЖ)
сармоянгишни
сақланиши ва
кўпайишини
кафолатлайди.
Барча омонатларингиз
фуқароларнинг
банклардаги
омонатларини
кафолатлаш фонди
томонидан
кафолатланади.

СИЗНИНГ
ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий
тўловлардан озод!
- маълумотлар
сир сақланиши
тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф
хуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

«Кафолатли-2012» —
ЕВРОга

Сақланиш мўддати — 1 йил,
ҳисобланган фоизлар омонат мўддати
тугагандан сўнг берилади.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	221-80-67
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навой вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-07-25
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-95
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир хайъати:

Фардавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулום МИРЗО
Феруза
МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУДОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38,
233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими:
Тел: 233-36-02.

Вилоят мухбирларимизнинг
телефон рақамлари:

Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар
доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528



Индекс:
якка обуначилар ва
ташқилотлар учун — 233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 0680-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Набатчи:

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Топшириш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 21⁰⁰

Адади: 6242 Буюртма — Г-1255 1 2 3 5